

---

2 минг 200 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган Мевазор маҳалласида ҳам ичимлик суви ва электр таъминоти яхшиланиб, йўллар равонлашади

Ўзбекистон тумани Мевазор маҳалласида тоза ичимлик суви таъминоти билан боғлиқ муаммони ҳал этиш мақсадида ҳудудда 2 км. янги ичимлик сув тармоқларини қуриш ишлари бажарилмоқда.

Сув таъминоти ва сифати паст бўлган мазкур ҳудудда ушбу амалий тадбирлар ҳукуматимизнинг “Маҳаллаларда инфратузилмани яхшилаш орқали аҳолига қулай шароитлар яратиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида амалга оширилмоқда.





Лойиҳа доирасида сувсоз-қурувчилар айти кунларда маҳалланинг Истиқлол, Обод, Гулшан ва Мевазор каби кўчалари бўйлаб траншея қазииш, 10 га яқин бетон сув халқаси (колодец) ўрнатиш ва тармоқ тортиш ишларини бажармоқдалар.



---

Ичимлик суви тармоқлари тортилгандан сўнг, айти маҳаллада ҳам йўлларни  
созлаш ва электр таъминоти сифатини яхшилаш бўйича қурилиш ишлари амалга  
оширилади.

2022-10-03 10:51:55